

Бақара сураси, 59-оят

09:05 / 07.09.2017 3285

Бас, зулм қилганлар уларга айтилган сўзни бошқасига алмаштирдилар. Бас, зулм қилганларга фосиқлик қилиб юрганлари туфайли осмондан қақшатқич азоб туширдик. Бақара 59.

Табиатига бузғунчилик сингиб кетган Бану Исроил яна бузғунчилик қилди. Аллоҳ таоло ўргатган «ҳиттотун» сўзи ўрнига бошқа сўзни алмаштириб айтдилар. Алмаштирган сўзлари қайси сўз эканини аниқ билишимизга Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадис ёрдам беради.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қиладиларки, Набий алайҳиссалом:

«Бану Исроилга «Эшикдан таъзим қилиб, «Ҳиттотун», – деб кининглар», – дейилган эди. Улар орқалари билан судралиб, сўзни алмаштириб, «Ҳаббатун фи шаъратин», – деб кирдилар», – дедилар.

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, улар ҳам амалда, ҳам сўзда хилоф қилганлар. «Сажда (таъзим) қилиб кининглар», – дейилса, думбалари билан судралиб кирганлар. «Ҳиттотун», – деб айтинглар», дейилса, «Ҳаббатун фи шаъратин», – дейишган. Уларнинг бу ишлари ҳам зулм, ҳам фисқ – Аллоҳнинг амридан чиқиш эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларга осмондан азоб туширди. Ушбу икки оятда ўтган таълимотлардан биламизки, Бану Исроилнинг қилмишларидан яна бири Аллоҳнинг амрини ўзидек бажармасдан, бузиб бажаришдир.